

Ислом ва иймон ифлосликнинг ҳар қандай кўринишини қабул қилмайди



09:08 / 27 февраль 1338

نَعَمْ لَسَوْوِ هِيَ لَعْلَلِ لَيْسَ بِبِنِ لَأَسْ هُنَّ أَنْ هُنَّ هَلْ لِي ضَرَرٍ دِي وَسَنْبِ قِرَاطٍ نَعَمْ لَيْسَ بِبِنِ لَأَقِ، أَوْدَاهُنَّ لِي بِنِ أَيُّ هَلْ لَأَقِفْ، هَاهُنَّ هَلْ أَسْ مَثُ، هَاهُنَّ فِرْمَخْلَلِ مَلْسَمُو وَيْمَرَّتْ لَأَوْدُوَادٍ وَبَأْ هَاوَرُ، أَدَاهُنَّ كَلَو، أَلْ؛ مَلْسَوِ هِيَ لَعْلَلِ

Ториқ ибн Сувайд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан хамр ҳақида сўраганида у зот наҳий қилдилар. Сўнгра у яна сўради. Бас, у зот яна наҳий қилдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! У даводир», деди у.

«Йўқ! Аксинча, у дарддир!» дедилар у зот».

Абу Довуд, Термизий ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда васф қилинган ҳукмдан бир минг беш юз йил муддат ўтганидан кейин инсоният маст қилувчи нарсалар ҳақиқатда ҳам дард эканлигини илмий равишда тушуниб етди.

Баъзи бир тушунмаган кишилар **«Дорилик учун озгина ичса бўлар экан»,** деган гапни кўтариб юришади. Ушбу ҳадиси шариф уларнинг зиддигадир. Маълум бўлишича, хамрнинг барча тури: ичиладигани ҳам, чекиладигани ҳам, ҳидланадигани ҳам, игна билан қабул қилинадигани

ҳам оздан бошланиб, кўпга ўтар экан. Даво учун, деб оздан бошлашда дардга учраш хавфи бўлганлиги учун Исломда бу нарса тамоман ҳаром қилинган. Уни дори учун озгина ишлатиш ҳам мумкин эмас.

هُوَ أَهْوَىٰ فِئَةِ الْوَدِّ غَيْرِ عَدْوٍ نَعَمَ مَسْوَءٌ يَلْعَنُ هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِبَطْنِ الْأَسْوِ
يُئِيسُنَّ لِأَوْ دَوَادٍ وَبِأَهْوَىٰ. أَوْلَتْ قَوْمًا مَسْوَءٌ يَلْعَنُ هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي

«Бир табиб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бақани дорига қўшиш ҳақида сўради. Бас, у зот уни ўлдиришдан наҳий қилдилар».
Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу «Бақани дори учун ишлатиб бўлмайди», деганидир. Чунки уни ўлдирмай туриб, дорига қўшиб бўлмайди. Ўлдиришга рухсат берилмагани эса дорига қўшишга ҳам рухсат берилмаганидир. Чунки бақа ифлос ва нажас нарсадир. Шунинг учун у ҳаром қилинган. Шариат ҳаром қилган нарса зарарли бўлади. Демак, у фойда берувчи дори бўла олмайди.

ءَاوَدَلْنَا مَسْوَءٌ يَلْعَنُ هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي
يُذْمَرُ لَوْ دَوَادٍ وَبِأَهْوَىٰ. أَوْلَتْ قَوْمًا مَسْوَءٌ يَلْعَنُ هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ифлос доридан наҳий қилдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Исломнинг шиори – поклик. Иймоннинг асли – поклик. Шунинг учун Ислом ва иймон ифлосликнинг ҳар қандай кўринишини қабул қилмайди. Ҳар қандай ифлосликни йўқ қилиш учун барча имконларни ишга солиб, курашади. Ифлос нарса ҳеч қачон фойдали ҳам, шифоли ҳам бўла олмайди.

هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي
يُذْمَرُ لَوْ دَوَادٍ وَبِأَهْوَىٰ. أَوْلَتْ قَوْمًا مَسْوَءٌ يَلْعَنُ هَلْ لِي لَيْسَ يَبْنِي لِي

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ дардни ва давони туширган. Ва ҳар бир дардга даво қилиб қўйган. Бас, даволанинглари. Фақат ҳаром ила даволанманглари», дедилар».

Шарҳ: Демак, номи ҳаром нарсa борки, даво бўлиши мумкин эмас экан. Шунинг учун мусулмон одам таоми ҳалол бўлишини талаб қилганидек, дориси ҳалол бўлишини ҳам талаб қилиши лозим.

Шу ерда спирт, банж каби нарсалар ҳақида савол пайдо бўлади. Бу борада шунини айтиб ўтиш керакки, бу ва бунга ўхшаш нарсалар аслида даво учун аталган нарсалардир. Фақат табиати бузуқ кишиларгина уларни маст қилувчи модда сифатида ишлатишни ўйлаб чиқарганлар ва истеъмол қиладилар. Шунинг учун бу каби асли тиббий бўлган нарсалардан, гарчи уларда маст қилиш қобилияти бўлса ҳам, табиблар тиббий қоидалар асосида ишлатганда фойдаланса бўлаверади. Балки лозим бўлади.

***«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг
«Тиб ва дам» китоби асосида тайёрланди***